ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДАГИ РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ортиков Ойбек Абдуллаевич
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчиси, и.ф.н., доцент, Тошкент, Ўзбекистон

АННОТАЦИЯ

Банклар хизматлари бозорида юқори даромад келтириш билан бирга қўшимча даромадлар манбаини шакллантиришда кредитларнинг аҳамияти юқори ҳисобланади. Сабаби, кредит хизматларини тақдим этиш банкларга барқарор фоиз даромад манбаларини шакллантириш ҳамда мижозларга бошқа хизматларни таклиф этиш орқали даромад олиш имкониятларини оширади. Бунинг тижорат банкларининг кредит хизматлари бозорида фаоллигини ошириш, кредит ва солиқлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажарадиган тўлов интизомига амал қиладиган яхши мижозларни жалб қилиш лозим бўлади. Шунинг учун, банклараро рақаобат шароитида банкларнинг кредит хизматларини таҳлил этиш, банклараро рақобат шароитида самарали кредит сиёсатини амалга ошириш банклар олдидаги муҳим масалалардан ҳисобланади. Мазкур мақолада, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит хизматлари бозоридаги фаолияти ва рақобат таҳлили амалга оширилиб, унга хос ўзгаришлар баҳоланган ҳамда кредит хизматлари бозорини янада ривожлантириш борасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кредит, кредит сиёсати, фоиз маржаси, кредит хизматлари бозори, қайта молиялаш ставкаси, фоизли даромад, ипотека кредити, истеъмол кредити, микроқарз, фоиз маржаси.

АННОТАЦИЯ

На рынке банковских услуг значение кредитов в формировании источника дополнительного дохода, наряду с принесением высоких доходов, велико. Причина в том, что предоставление кредитных услуг увеличивает возможности банков получать доход за счет формирования стабильных источников процентных доходов и предложения клиентам других услуг. Необходимо будет повысить активность коммерческих банков на рынке кредитных услуг, привлечь хороших клиентов, соблюдающих дисциплину своевременной уплаты кредитов и налогов. Поэтому анализ кредитных услуг банков в условиях межбанковской конкуренции, реализация эффективной кредитной политики в условиях межбанковской конкуренции являются важными задачами, стоящими перед банками. В данной статье проведен анализ деятельности и конкуренции коммерческих банков Республики Узбекистан на рынке кредитных услуг, оценены конкретные изменения, а также разработаны научные предложения и практические рекомендации по дальнейшему развитию рынка кредитных услуг.

Ключевые слова: кредит, кредитная политика, процентная маржа, рынок

кредитных услуг, ставка рефинансирования, процентный доход, ипотечный кредит, потребительский кредит, микрозайм, процентная маржа.

ABSTRACT

In the market of banking services, the importance of loans in forming a source of additional income is high, along with bringing high income. The reason is that the provision of credit services increases the opportunities for banks to earn income by forming stable sources of interest income and offering other services to customers. It will be necessary to increase the activity of commercial banks in the market of credit services, to attract good customers who follow the discipline of paying loans and taxes on time. Therefore, analysis of credit services of banks in the conditions of interbank competition, implementation of effective credit policy in the conditions of interbank competition are important issues before banks. In this article, the activity and competition analysis of the commercial banks of the Republic of Uzbekistan in the market of credit services was carried out, the specific changes were evaluated, and scientific proposals and practical recommendations were developed for the further development of the market of credit services.

Keywords: credit, credit policy, interest margin, credit services market, refinancing rate, interest income, mortgage loan, consumer credit, microloan, interest margin.

КИРИШ

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, инклюзив ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш орқали камбағалликни икки баробарга қисқартириш, иқтисодиётда рақобатни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш, бозор муносабатларига тўлақонли ўтишни жадаллаштириш, банкларнинг рақобатбардошлигини ошириш ҳамда мижозларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш борасида қатор ислоҳолотлар амалга оширилмоқда.

Тижорат банклари томонидан иқтисодиёт тармоқларига ва аҳолига ажратиладиган кредит қўйилмаларининг самарадорлигини ошириш ҳамда мамлакатда янги иш ўринларини яратиш ва ЯИМни яратишда банк кредитларининг ўрни беқиёс ҳисобланади. Банклар кредитлари орқали иқтисодиётда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксизлигини таъминласа, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш ва пировардида ишлаб чиқарувчларда реалиизация жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат иштирокидаги банкларнинг устувор дастурлар, секторлар ва давлат улушига эга корхоналарга бозор ставкаларидан паст ставкаларда кредитлар берувчи анъанавий «ривожлантириш банклари» сифатида вазифани қисман бажариши банклараро рақобат муҳитига салбий таъсирни юзага келтирмоқда. Бунинг олдини олиш учун банклараро рақобатни ривожлантириш, банклар фаолиятини тижоратлаштиришни ошириш, банк тизимида субсидияланган кредит бериш амалиётларидан воз кечиш талаб этилади ёки бошқа механизмаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси банк кредит хизматлари бозори бугунги кунда фаол ривожланмоқда ва ушбу ҳолатни тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитлар қолдиғининг ўсиш тенденцияси тасдиқлайди. Республикамизда 2023 йил якунида ажратилган кредитлар қолдиғи 471,4 трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига (390,1 трлн сўм) нисбатан 21 фоиз пунктга ошган. Банклар томонидан ажратилган корпоратив кредитлар қолдиғи 322,8 трлн сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12 фоиз пунктга ўтган ҳамда жами кредит қўйилмалар таркибидаги улуши 68,5 фоизни ташкил этган. Банк тизимида чакана кредит хизматлари бозорида рақобат сўнгги йилларда ривожланиб, 2023 йил 31 декабр ҳолатига ажратилган кредитлар қолдиғи 148,6 трлн сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг (100,9 трлн .сўм) мос даврига нисбатан 47 фоизга ўсган. Банк тизимида чакана кредитлаш амалиётларининг ривожланиши ва кенгайишини банкларнинг жами кредит қўйилмаларидаги улушнинг 31,5 фоизини ташкил этганлиги тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида жисмоний шахсларга аҳоли тадбиркорлиги, автокредитлар ва таълим кредитларини ажратишнинг ошиши ҳисобига чакана кредит портфелида юқори ўсиш тенденцияси кузатилган. Ушбу ҳолатларни банклар кесимида таҳлил қилиш ва тегишли хулосаларни шакллантириш тадқиқотнинг амалий аҳамиятини янада оширади ва мақоланинг асосий қисмида таҳлиллар амалга оширилади. Шунингдек, банкларда кредит қўйилмаларининг самарадлорлик кўрсаткичларини баҳолаш, яъни ажратилган кредитлар қанчалик фоизли даромадлар олиниши ва фоиз маржаси кўрсаткичлари таҳлили орқали банкларнинг кредит хизматлари бозоридаги фаолиятига баҳо берилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.

Банкларнинг кредит хизматлари бозори ва кредит бозорида банклараро рақобат масалалари бўйича комплекс тарзда тадқиқотлар амалга оширилмаган. Банкларнинг кредитлаш амалиётларининг назарий ва амалий жиҳатлари кўпгина маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар, тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Банк соҳасида рақобатнинг афзалликлари туфайли мижозлар фаолияти рағбатлантириб борилади. Назарий нуқтаи назар шундан иборатки, банк рақобатининг кучайиши кредит фоиз ставкаларининг пасайишига хизмат қилиш билан бирга бизнесга инвестициялар кўпайиши ва иқтисодий ўсишнинг яхшиланишининг муҳим омили ҳисобланади. Рақобат кредит олиш имкониятига ижобий таъсир қилади мижозларнинг банкларни танлаши, банклардан турли кредит хизматлари бўйича таклифларни олиш имкониятларини кўриб чиқиши мумкин бўлади. Банклараро рақобат ривожланаётган мамлакатларда кредит чекловларини енгиллаштиришга хизмат қилади ва бу бозор кучи гипотезасига мос келади.

Тадқиқотчилар Чиара Канта ва бошқалар томонидан банк бозорларида рақобат ва кредит таваккалчилиги ўртасидаги боғлиқликни эмпирик тарзда ўрганган. Бунда Норвегия фирмаларига берилган барча банк кредитлари тўғрисидаги маълумотлар тўпламидан фойдаланиб, маҳаллий бозорлар рақобатбардошлигини баҳоланган. Рақобат даражаси ва таваккалчилик ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш

учун банкларнинг ишламайдиган кредитлари ва зарарларни қоплаш ставкалари таҳлил этилган. Улар томонидан амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра рақобат кредит фоиз ставкаларининг пасайишига ва кредит ҳажмининг ошишига олиб келади. Шу билан бирга кичик ва янги ташкил этилган фирмаларнинг кредит олишини қийинлаштиради[1].

Браггион ва Онгена (2019) томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича, "рақобат кредитлашга ҳам салбий таъсир кўрсатиб, ушбу таъсир муҳим бўлса, рақобат банклар учун мавжуд бўлган маълумотни қисқартириш орқали банкларнинг таваккалчилик даражасини ошириши мумкин". Албатта, кредит таваккалчилиги ва рақобат ўртасидаги боғлиқлик бўйича ўтказилган эмпирик тадқиқотлар натижалари аралаш. Баъзи мамлакатлараро тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бозор концентрация даражаси юқори бўлган мамлакатларда банк тизими барқарор ҳисобланади.[2]

Тадқиқотчи Жунг (2016) томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра кредит скорингини кенгайтириш учун уни банклар ўртасидаги рақобат билан боғлаш ва унинг самарадорликка таъсирини таҳлил қилиш орқали хулосаларни шакллантирган. Ушбу тадқиқотда икки томонлама банк рақобат моделини кўриб чиқилган, яъни банклар ҳам молиялаштириш бозорида ҳам кредит бозорида рақобатлашиши тадқиқ этилган. Шунингдек, тадқиқотчи хулосасига кўра "кучли рақобат депозитлар ставкасини оширади ва бу ўз навбатида, фирмаларга кредит бериш ставкасини оширади ҳамда иқтисодиётда молиялаштириш харажатларини оширади. Бундан ташқари, интенсив депозит рақобати самаралироқ кредитлаш технологиясига эга бўлган баъзи банкларни бозордан чиқишига сабаб бўлади".[3]

Deloitte компаниясининг 2018 йилдаги ҳисоботи шуни кўрсатадики, бешта ипотека таклифини олган жисмоний шахслар ипотека муддати давомида ўртача 6000 фунт стерлингдан кўпроқ маблағни тежашлари мумкин. Рақобатбардош бозор шароитида истеъмолчилар кимдан қарз олишни танлаш, уларнинг ўзига хос эҳтиёжларига мос келадиган ва баъзи ҳолларда ипотека турини ва тўлов жадвалини танлаш ҳуқуқига эга бўлади[4].

Тадқиқотчи Huynh J (2023) томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра "Банклараро рақобатнинг асосий рағбатлантирувчи омили паст нархлар канали орқали иқтисодий ўсишни кучайтириш ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, юқори концентрацияли тизимларда фаолият юритувчи бозор кучи юқори бўлган банклар камроқ рақобатга дуч келиши мумкин ва шу билан улар олигополистик

[1] Chiara Canta, Øivind A. Nilsen, Simen A. Ulsaker Competition and risk taking in local bank markets: Evidence from the business loans segment / Journal of Empirical Finance / https://doi.org/10.1016/j.jempfin.2023.06.003

[2] Fabio Braggion, Steven Ongena Banking Sector Deregulation, Bank–Firm Relationships and Corporate Leverage *The Economic Journal*, Volume 129, Issue 618, February 2019, Pages 765–789, https://doi.org/10.1111/ecoj.12569

[3] Jung-Hyun Ahn The Impact of the Banking Competition in Funding and Lending Markets on Lending Technology / Dans Revue économique 2016/6 (Vol. 67), pages 1117 à 1139.

[4]https://www.mfaa.com.au/sites/default/files/users/user133/_Value_of_mortgage_broking_Web_version.pdf?trk=article-ssr-frontend-pulse_little-text-block

ҳокимият туфайли корхоналарга юқори фоиз ставкаларини олишлари мумкин. Банк тизимидаги рақобат кредит ставкаларининг пасайишига олиб келиши мумкин ва бу реал иқтисодиёт учун ижобий таъсир кўрсатади”.[5]

Ф.Мишкин гипотезасига кўра , "муваффақиятсиз бўлиш учун жуда катта хавф" фалсафасига кўра доминант банкларда ҳукумат ҳимоясида бўлиши кафолати мавжудлиги сабабли кўпроқ хавф-хатарни қабул қилишга мойилликни орттиради ва бу уларнинг хатти-ҳаракатлари натижасида юқори концентрланган банк тизими шаклланишида кўпроқ намоён бўлади. Бундай юқори концентрланган банк тизими кўпроқ кредит рискини келтириб чиқариши ва ошириши мумкин.[6]

Маҳаллий тадқиқотчилардан Ў.Абдулазизованинг тадқиқотларига кўра “Молиявий хизматлар бозори барча сегментларининг устун мавқеини кредит бозори эгаллайди, бу умуман молиявий хизматлар бозори ва унинг барча сегментларининг ривожланиш даражаси тармоқлараро тўлақонли рақобат учун етарли эмаслигини кўрсатади”. Тадқиқотчи хулосасига кўра “юқори қайта молиялаш ставкасини белгилаш амалиёти юқори иқтисодий концентрациянинг сифати ва банкларнинг кредит бозорларида бозор ҳукмронлигига эга бўлишининг асосий сифат омили ҳисобланади, чунки инфляция ставкани юзага келтирмайди, аксинча, қайта молиялаш ставкаси асосий инфляция омили ҳисобланади. Натижада кредитлар бўйича фоиз ставкалари асоссиз юқори бўлиб, бу истеъмолчининг кредит хизматларини танлаш ҳуқуқини чеклайди.” Тадқиқотчининг мазкур хулосаси мунозарали ҳисобланади ва қайта молиялаш ставкасини белгилаш амалиёти банкларнинг кредит бозорларида бозор ҳукмронлигига эга бўлишига таъсир қилмайди.[7]

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ. Мазкур мақолада тижорат банкларининг кредит хизматлари бозоридаги фаолияти таҳлили амалга оширилган. Тижорат банкларнинг кредит хизматлари бозоридаги ўрнини мустаҳкамлаш, яхши кредит тарихига эга ва молиявий жиҳатдан барқарор мижозларни жалб қилиш ҳамда кредит хизматлари бозоридаги рақобатни ривожлантиришга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Мазкур тадқиқот бўйича таҳлил жараёнида гуруҳлаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, анализ ва синтез ва бошқа усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари, шарҳлари ва банк тизимига оид амалий маълумотлар асосида таққослама таҳлиллар амалга оширилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги беш йилликда банклар кредит бериш бўйича қарорлар қабул қилишда автоматлаштирилган технологиялардан фойдаланишни кенгайтирди. Банкларнинг кредит портфели ўсиш тенденцияси

[5] Huynh J (2023) Is competition good or bad for the price, quantity, and quality of bank lending? PLoS ONE 18(8): e0287002. https://doi.org/10.1371/journal.pone.0287002

[6] Mishkin F. Financial consolidation: Dangers and opportunities. J Bank Financ. 1999;23(2):675–91.

[7] Абдулазизова Ў.Н. Молиявий хизматлар бозорларида рақобат ва монополияга қарши тартибга солиш сиёсати / Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, 2022 йил. Б.28.

юқори бўлиб, айниқса жисмоний шахсларга ажратилган чакана кредитлар ҳажми юқори суръатларда ўсиб бормоқда. Хусусан, анъанавий муносабатлар кредитлашдан кредит скоринг технологиясидан фойдаланишга ўтилиши, андеррайтинг тизимидан кенг фойдаланиш кредитлаш бўйича қарорларни тезроқ қабул қилиб, кредитлаш жараёни оптималлаштирилди.

Банкларда замонавий кредитлаш технологияларининг ривожланиши, банкларараро рақобат бозорига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, қайси банк кредит хизматлари бўйича янги банк технолгияларини жорий этган ва кредит операцияларини амалга оширувчи модуллардан фойдаланиши бозордаги ўрнини мустаҳкамлашга замин яратади.

Тижорат банкларининг кредит хизматлари бозоридаги 2019-2023 йиллардаги статистик маълумотлар асосида кредитлаш фаолиятини таҳлил қилинади ва баҳоланади. Бунда республикамиз кредит хизматлари бозоридаги асосий етакчи банклар ва уларнинг бозордаги ҳолатига баҳо берилади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит хизматлари бозоридаги улушлари динамикаси, *(фоиз ҳисобида)*

т/р	Банклар	31.12.19 й.	31.12.20 й.	31.12.21 й.	31.12.22 й.	31.12.23 й.	2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши
1	Миллий банк	26,1	23,7	22,5	22,4	20,2	-5,9
2	Саноатқурилишбанк	13,8	14,3	13,3	12,5	12,2	-1,6
3	Асака банк	12,4	12,3	11,7	9,4	8,4	-4
4	Агробанк	7,6	9,2	10,0	11,4	11,8	4,2
5	Халқ банки	5,9	6,8	5,5	5,3	5,1	-0,8
6	Ипотека банк	9,4	8,8	8,9	8,5	7,9	-1,5
7	Бизнесни ривожлантириш банки	5,5	5,1	5,5	5,3	4,7	-0,8
8	Микрокредитбанк	2,3	3,1	3,4	3,4	3,1	0,8
9	Алоқабанк	2,7	2,1	2,4	2,4	2,2	-0,5
10	Hamkorbank	2,8	2,6	2,9	3,0	3,4	0,6
11	Туронбанк	2,1	2,5	2,6	2,5	2,6	0,5
12	Ориент Финанс банк	1,2	1,3	1,1	1,4	1,8	0,6
13	Ипак Йўли банк	1,7	1,8	2,0	2,0	2,5	0,8
14	Капиталбанк	1,4	1,6	2,5	4,0	5,8	4,4
15	КДБ Банк Узбекистан	0,4	0,4	0,5	0,5	0,6	0,2
16	Трастбанк	0,8	0,8	0,9	0,9	1,1	0,3
17	Infinbank	1,4	1,1	1,2	1,3	1,4	0
18	Садерат банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0
19	Тенге Банк	0,1	0,4	0,5	0,6	0,9	0,8
20	Asia Alliance Bank	0,7	0,7	0,6	0,6	0,8	0,1
21	Ziraat bank	0,2	0,2	0,3	0,3	0,3	0,1
22	Даврбанк	0,5	0,5	0,7	0,8	1,1	0,6
23	Гарант банк	0,4	0,3	0,3	0,3	0,2	-0,2
24	Универсал банк	0,3	0,3	0,2	0,2	0,2	-0,1
25	Мадад Инвест Банк	0,1	0,1	0,0	0,0	0,1	0
26	Ravnaq-bank	0,2	0,2	0,2	0,1	0,1	-0,1
27	Пойтахт Банк	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	-0,1
28	Узагроэкспортбанк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0
29	Тибиси банк	-	0,0	0,1	0,4	0,8	0,8

30	Anor bank	-	0,0	0,2	0,6	0,7	0,7
31	Apelsinbank	-	-	-	-	0,0	0,0
32	Смарт банк	-	-	-	-	0,0	0,0
33	Apex bank	-	-	-	-	0,0	0,0
34	Hayot bank	-	-	-	-	0,0	0,0
35	Yangi bank	-	-	-	-	0,0	0,0
	ЖАМИ	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	x

Тижорат банкларининг кредит хизматлари бозорида асосий иштирокчилар сифатида Миллий банк, Саноатқурилишбанк, Агробанк 10 фоиздан юқори улушга эга бўлиб, таҳлил даврида Миллий банкнинг бозордаги улуши 26,1 фоиздан 20,2 фоизгача ёки 5,9 фоиз пунктга пасайган. Агробанкнинг улуши эса, 7,6 фоиздан 11,8 фоизгача ошган. Мазкур ҳолатда Агробанк томонидан давлат дастурлари бўйича фаолиятининг кенгайиши ҳисобига кредит хизматлари бозоридаги улуши ошган. Таҳлил даврида Асака банкнинг бозордаги улуши 4,0 фоизга камайган. Ипотека банк кредит хизматлари бозоридаги улуши 1,5 фоизга камайиб, 2023 йил якуни бўйича 7,9 фоизни ташкил этган.

Банк тизимида хусусий ва хорижий капитал иштирокида янги ташкил этилган банклар кредит хизматлари бозорига фаол тарзда кириб келмоқда. Шу билан бирга, ушбу банклар масофавий кредит хизматларини жорий этиш орқали кредит химматларига бозорига сезиларли таъсирни ўтказмоқда. Бунда давлат улуши мавжуд банкларнинг кредит хизматлари бозоридаги улуши йилдан-йилга камайиб, бошқа мулкчилик шаклидаги банкларнинг улушлари ортиши кузатилмоқда.

Кредит хизматлари бозорини таҳлилида, банк тизимидаги йирик улушга эга бўлган банкларнинг хизматлар бозоридаги улушини таҳлил этиш ва баҳолаш кредит хизматлари бозоридаги рақобат даражаси ҳақида аниқ хулосалар чиқариш имконини беради.

2-жадвал

Банкларнинг кредит хизматлари бозорида юқори улушли банклар гуруҳи ва унинг ўзгариши, *(фоиз ҳисобида)*

Юқори улушли банк гуруҳи	**31.12.19 й.**	**31.12.20 й.**	**31.12.21 й.**	**31.12.22 й.**	**31.12.23 й.**	**2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши**
TOP3	52,3	50,3	47,5	46,3	44,2	-8,1
TOP5	69,3	68,3	66,4	64,2	60,5	-8,8
TOP10	88,5	88,4	86,3	85,2	82,6	-5,9

2-жадвал маълумотлари асосида юқори улушга эга бўлган банкларнинг кредит хизматлари бозоридаги улуши таҳлил даврида энг юқори улушга эга 3 та банк 2019 йилда жами бозорнинг 52,3 фоиз қисмига эгалик қилган бўлса, 2023 йил якунлари бўйича 44,2 фоиз улушга эгалик қилган ҳамда ушбу кўрсаткич таҳлил даврида 2,4 фоиз пунктга камайган. Ушбу ҳолат ижобий ҳисобланади ва банкларнинг кредит хизматлари бозорида концентрация даражасининг камайиш тенденцияга эга эканлигини кўрсатади.

Таҳлил даврида юқори улушга эга 5 ва 10 та банкларнинг кредит хизматлари бозоридаги улушида сезиларли камайиш кузатилган. ТОП5 банкларнинг кредит хизматлари бозоридаги улуши 69,3 фоиздан 60,5 фоигача ёки 8,8 фоиз пунктга

камайган. ТОП10 банкларни кредит хизматлари бозоридаги улуши таҳлил даврида 5,9 фоиз пунктга пасайган.

Банк тизимида рақамли банклар ташкил этилиши, хусусий банклар сонининг ошиб бораётганлиги ва рақобат муҳитининг яхшиланиши, кредит хизматлари бозорида концентрация даражасини камайишига, мижозларга таклиф этилаётган хизматлар сифатининг ошишига ижобий таъсир қилмоқда.

Банк кредит хизматлари бозорида тижорат банклари фаолиятининг 2019-2023 йиллар бўйича статистик маълумотлар асосида таҳлиллар амалга оширилди. Банк хизматлар бозоридаги улушларни 4 та гуруҳга бўлиб, яъни 5 фоиз интервал орқали банклар сонини ўзгариши таҳлили амалга оширилди. Қуйидаги жадвал маълумотлари асосида кредит хизматлари бозорида улушлар кесимида банклар сонининг ўзгариши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси кредит хизматлари бозорида улушлар кесимида тижорат банклари сонининг ўзгариши, *(дона)*

Улуши	31.12.19 й.	31.12.20 й.	31.12.21 й.	31.12.22 й.	31.12.23 й.	2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши
0-5 фоиз улуш оралиқдаги банклар сони	21	23	23	24	28	7
5-10 фоиз улуш оралиқдаги банклар сони	4	4	4	4	4	0
10-15 фоиз улуш оралиқдаги банклар сони	2	2	2	2	2	0
15 фоиздан улушдан юқори банклар сони	1	1	1	1	1	0
ЖАМИ	**28**	**30**	**30**	**31**	**35**	**7**

Таҳлил даврида кредит хизматлари бозорида 5 фоизгача улушга эга бўлган банклар сони 21 тадан 28 тагача ортганлигини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат асосан бозорга янги банкларнинг кириб келиши билан боғлиқ. Кредит хизматлари бозорида 5-10 фоиз оралиқда улушга эга бўлган банклар таҳлил даврида 4 тани ташкил этиб, ўзгаришсиз қолган. Кредит хизматлари бозоридаги улуши 10-15 фоизга эгалик қилувчи банклар 2 тани (Агробанк ва Ўзсаноатқурилишбанк) ташкил этган. Бозордаги улуши 15 фоиздан юқори бўлган асосий банк Миллий банк сўнгги беш йилликда кредит хизматлари бозорининг 20 фоиздан ортиқ қисмига эгалик қилиб келаётганлигини кўриш мумкин.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг чакана кредит хизматлари бозоридаги улушлари динамикаси, *(фоиз ҳисобида)*

т/р	Банклар	31.12.19 й.	31.12.20 й.	31.12.21 й.	31.12.22 й.	31.12.23 й.	2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши

1	Миллий банк	11,2	11,4	9,5	10,0	10,3	-0,9
2	Саноатқурилишбанк	8,6	8,7	6,7	6,0	5,8	-2,8
3	Асака банк	7,7	9,4	7,0	6,0	5,9	-1,8
4	Агробанк	8,8	8,6	8,0	8,4	7,3	-1,5
5	Халқ банки	12,4	13,4	10,4	11,0	11,5	-0,9
6	Ипотека банк	16,3	20,8	22,1	17,1	15,9	-0,4
7	Бизнесни ривожлантириш банки	13,5	15,5	14,7	11,5	8,0	-5,5
8	Микрокредитбанк	2,3	4,8	5,0	5,0	4,0	1,7
9	Алоқабанк	2,7	2,1	2,1	2,6	2,3	-0,4
10	Hamkorbank	4,8	3,7	4,4	4,3	5,2	0,4
11	Туронбанк	1,9	1,6	1,8	1,7	1,9	0
12	Ориент Финанс банк	2,0	1,4	1,5	2,2	2,4	0,4
13	Ипак Йўли банк	1,6	1,4	1,4	1,2	1,8	0,2
14	Капиталбанк	9,2	2,5	5,9	11,3	14,0	4,8
15	КДБ Банк Узбекистан	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0
16	Трастбанк	1,2	0,5	0,7	1,2	1,9	0,7
17	Infinbank	2,1	1,7	1,9	2,1	2,1	0
18	Садерат банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0
19	Тенге Банк	1,0	0,2	0,9	1,1	1,3	0,3
20	Asia Alliance Bank	1,0	1,0	1,0	0,8	0,9	-0,1
21	Ziraat bank	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0
22	Даврбанк	2,1	1,0	1,9	2,2	2,7	0,6
23	Гарант банк	0,3	0,5	0,3	0,2	0,1	-0,2
24	Универсал банк	0,4	0,7	0,3	0,1	0,1	-0,3
25	Мадад Инвест Банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0
26	Ravnaq-bank	0,1	0,2	0,2	0,0	0,0	-0,1
27	Пойтахт Банк	0,1	0,1	0,1	0,0	0,0	-0,1
28	Узагроэкспортбанк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0
29	Тибиси банк	0,0	0,0	0,5	1,5	2,6	2,6
30	Anor bank	0,0	0,0	0,9	2,2	2,0	2
31	Apelsinbank	-	-	-	-	-	0,0
32	Смарт банк	-	-	-	-	0,0	0,0
33	Apex bank	-	-	-	-	0,0	0,0
34	Hayot bank	-	-	-	-	-	0,0
35	Yangi bank	-	-	-	-	0,0	0,0
	ЖАМИ	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**x**

Банкларнинг чакана кредит хизматлари бозоридаги ҳолатни жадвал маълумотлари таҳлилидан кўриш мумкинки, 2019 йилда бозордаги асосий улуш Ипотека банки ҳиссасига тўғри келиб 16,6 фоизни ташкил этган, 2020-2021 йилларда бозордаги улушини 22,1 фоизга етган. Аммо, 2023 йилнинг якунида 15,9 фоизга камайиб, 2019 йилга нисбатан 0,7 фоиз пунктга камайганини кўриш мумкин. Аксарият давлат улуши мавжуд банклардаги чакана кредитлар қисқарган, улуши қисқарган бўлса, аксинча бошқа мулк шаклидаги банкларнинг улуши ортган. Капитал банкнинг чакана кредитлаш амалиётининг ривожланиши, онлайн кредитларнинг жорий этилиши ва автокредитларнинг тез расмийлаштиришлиши ҳамда таклиф этилиши натижасида бозордаги улушини 2023 йилда 14,0 фоизга етишига замин яратди. Натижада Капиталбанкнинг улуши таҳлил даврининг бошига нисбатан 4,6 фоиз пунктга ошган. Тибиси банк ва Анорбанк каби рақамли банкларнинг янгидан ташкил этилишига қарамасдан чакана кредит хизматлари

бозорига фаол кириб келди. Натижада чакана кредит хизматлари бозоридаги улуши Тибиси банк 2,6 фоиз ва Анорбанкда 2,0 фоизни ташкил этди.

5-жадвал

Чакана кредит хизматлари бозорида энг юқори улушга эга ТОП банклар улушининг ўзгариши, *(фоиз ҳисобида)*

Юқори улушли банклар гуруҳи	31.12.19 й.	31.12.20 й.	31.12.21 й.	31.12.22 й.	31.12.23 й.	2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши
ТОР3	42,2	49,7	47,3	39,9	41,4	-0,8
ТОР5	62,5	70,5	64,8	61,0	59,7	-2,8
ТОР10	95,1	98,9	93,9	90,7	88,0	-7,1

Мазкур маълумотлари асосида юқори улушга эга бўлган банкларнинг чакана депозит хизматлар бозорида энг юқори улушга эга 3 та банк 2019 йилда жами бозорнинг 42,2 фоизига эгалик қилган бўлса, 2023 йил якуни бўйича 41,4 фоиз улушга эгалик қилиб, таҳлил даврида 0,8 фоиз пунктга камайган. Бу эса, ижобий ҳолат ва чакана кредитлар бозорида концентрация даражасининг камайиш тенденцияга эга эканлигини кўрсатади. Лекин, 2022 йилда 3 та йирик улушли иштирокчининг бозордаги улуши 46,3 фоизни ташкил этиб, таҳлил даврида максимум кўрсаткич қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси кредит хизматлари бозорида таҳлил даврида ТОП5 ва ТОП10 банкларнинг улуши камайиш тенденциясини намоён этган. ТОП5 банкларнинг чакана кредит хизматлари бозоридаги улуши 62,5 фоиздан 59,7 фоигача ёки 2,8 фоиз пунктга камайган. Энг юқори улушга эга бўлган ТОП10 банкларнинг чакана кредит хизматлари бозоридаги улуши таҳлил даврида 7,1 фоиз пунктга пасайган ва 2023 йил якунига келиб 88,0 фоизни ташкил этган.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси чакана депозит хизматлари бозорида улушлар кесимида тижорат банклари сонининг ўзгариши, *(дона)*

Улуши	31.12.19 й.	31.12.20 й.	31.12.21 й.	31.12.22 й.	31.12.23 й.	2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши
0-5 фоиз улуш оралиқдаги банклар сони	20	23	21	23	26	6
5-10 фоиз улуш оралиқдаги банклар сони	4	3	6	3	5	1
10-15 фоиз улуш оралиқдаги банклар сони	2	2	2	4	3	1
15 фоиздан улушдан юқори банклар сони	2	2	1	1	1	-1
ЖАМИ	**28**	**30**	**30**	**31**	**35**	**7**

Тижорат банкларининг чакана кредит хизматлари бозоридаги фаолиятининг 2019-2023 йиллардаги натижалари асосида рақобат муҳити яхшиланган, асосий иштирокчиларда тўпланган улушлар секинлик билан янгидан ташкил топган банкларга ўтиб камайиш тенденциясини намоён этган. Банк чакана кредит хизматлари бозоридаги улушларни 4 та гуруҳга бўлиб, таҳлиллар амалга оширилди.

Банк тизимида жами банклар сонининг ошиши билан бирга, чакана кредит хизматлари бозорида 15 фоиздан юқори улушга эга банклар сони 2 тадан 1 тага камайган, 10-15 фоиз оралиқдаги банклар сони 2 тадан 1 тага камайган ва Ипотека банк етакчилик қилмоқда. Банк хизматлари бозоридаги улуши 5-10 фоиз оралиқда банклар сони 2 тадан 3 тага ошган ва Капиталбанк чакана кредит хизматлари бозоридаги улушини ошиши эвазига ушбу оралиққа кирган. Натижада бозордаги улуши 5 фоизгача бўлган банклар сони 6 та ошишига хизмат қилган. Банкларнинг чакана кредит хизматлар бозоридаги фаоллиги ортиши, мижозлар учун рақобат кураши ривожланишини кўрсатмоқда.

7-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг корпоратив кредит хизматлари бозорида банклар улушининг ўзгариши, *(фоиз ҳисобида)*

т/р	Банклар	31.12.19 й.	31.12.20 й.	31.12.21 й.	31.12.22 й.	31.12.23 й.	2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши
1	Миллий банк	30,1	27,1	26,2	27,1	25,3	-4,8
2	Саноатқурилишбанк	15,3	16,0	15,3	14,9	15,5	0,2
3	Асака банк	13,7	13,2	13,1	10,8	9,9	-3,8
4	Агробанк	7,6	9,6	10,8	12,7	14,3	6,7
5	Халқ банки	4,6	5,5	4,4	3,6	2,5	-2,1
6	Ипотека банк	8,2	6,3	5,9	6,0	4,9	-3,3
7	Бизнесни ривожлантириш банки	3,9	2,9	3,4	3,5	3,5	-0,4
8	Микрокредитбанк	2,3	2,8	3,0	3,0	2,9	0,6
9	Алоқабанк	2,1	2,2	2,6	2,4	2,3	0,2
10	Hamkorbank	2,2	2,4	2,6	2,6	2,8	0,6
11	Туронбанк	2,0	2,7	2,8	2,8	3,0	1
12	Ориент Финанс банк	1,0	1,3	1,1	1,1	1,7	0,7
13	Ипак Йўли банк	1,6	1,9	2,1	2,4	2,8	1,2
14	Капиталбанк	0,8	1,5	1,7	1,8	2,5	1,7
15	КДБ Банк Узбекистан	0,4	0,5	0,6	0,7	0,8	0,4
16	Трастбанк	0,8	0,9	0,9	0,8	0,8	0
17	Infinbank	1,3	1,0	1,1	1,0	1,2	-0,1
18	Садерат банк	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0	0
19	Тенге Банк	0,1	0,4	0,4	0,5	0,8	0,7
20	Asia Alliance Bank	0,6	0,6	0,5	0,5	0,8	0,2
21	Ziraat bank	0,2	0,3	0,3	0,4	0,5	0,3
22	Даврбанк	0,1	0,4	0,4	0,4	0,5	0,4
23	Гарант банк	0,4	0,3	0,3	0,3	0,2	-0,2
24	Универсал банк	0,2	0,2	0,2	0,3	0,3	0,1
25	Мадад Инвест Банк	0,1	0,1	0,1	0,0	0,1	0
26	Ravnaq-bank	0,2	0,2	0,2	0,1	0,1	-0,1

27	Пойтахт Банк	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	-0,1
28	Узагроэкспортбанк	0,1	0,0	0,0	0,0	0,0	-0,1
29	Тибиси банк	-	-	-	-	0,0	0,0
30	Anor bank	-	-	-	0,1	0,2	0,2
31	Apelsinbank	-	-	-	-	0,0	0,0
32	Смарт банк	-	-	-	-	-	0,0
33	Apex bank	-	-	-	-	0,0	0,0
34	Hayot bank	-	-	-	-	0,0	0,0
35	Yangi bank	-	-	-	-	0,0	0,0
	ЖАМИ	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	**100,0**	x

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида корпоратив кредит хизматлари бозоридаги таҳлиллардан бозордаги асосий улуш давлат улуши мавжуд банкларга тегишли бўлган. Таҳлил даврида энг юқори улуш Миллий банк ҳиссасига тўғри келиб, 2019 йилда бозордаги улуши 30 фоиздан ташкил этган, яъни банк корпоратив кредит хизматлари бозорининг қарийб учдан бир қисми Миллий банк ҳиссасига тўғри келган. Миллий банкнинг корпоратив кредит хизматлари бозоридаги улуши 2023 йил якунлари бўйича 25,3 фоизни ёки мазкур бозорнинг тўртдан бирига эгалик қилмоқда ҳамда таҳлил даврида 4,8 фоиз пунктга камайган.

Шунингдек, таҳлил даврида Ўзсаноатқурилишбанкнинг корпоратив кредит хизматлари бозоридаги улуши деярли ўзгармасдан 15 фоиз улушда барқарор бўлиб қолган. Агробанкнинг улуши таҳлил даврида 6,7 фоизга ўсган ва фермер хўжаликларини кредитлашни кенгайиши ҳисобига юзага келган.

8-жадвал

Ўзбекистон корпоратив кредит хизматлари бозорида энг юқори улушга эга ТОП банклар улушининг ўзгариши, *(фоиз ҳисобида)*

Юқори улушли банклар гуруҳи	**31.12.19 й.**	**31.12.20 й.**	**31.12.21 й.**	**31.12.22 й.**	**31.12.23 й.**	**2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши**
TOP3	59,1	56,3	54,6	54,7	55,1	-4,0
TOP5	74,8	72,1	71,2	71,5	69,8	-5,0
TOP10	90,8	88,4	87,5	87,1	84,8	-6,0

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида корпоратив кредит хизматлари бозорида энг юқори улушга эга бўлган 3 та тижорат банкнинг улуши 2019 йилда жами бозорнинг 59,1 фоизни ташкил этган, 2023 йил якуни бўйича 55,1 фоиз улушга эгалик қилиб, таҳлил даврида 4,0 фоиз пунктга камайган.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида корпоратив кредит хизматлари бозоридаги энг юқори улушга эга бўлган ТОП5 ва ТОП10 банкларнинг улуши камайиш тенденциясини кўриш мумкин. ТОП5 банкларнинг корпоратив кредит хизматлари бозоридаги улуши 74,8 фоиздан 69,8 фоигача ёки 5,0 фоиз пунктга камайган. Корпоратив кредит хизматлари бозоридаги энг юқори улушга эга 10 та ТОП10 банкнинг улуши улуши таҳлил даврида 6,0 фоиз пунктга пасайган.

9-жадвал

Ўзбекистон Республикаси корпоратив депозит хизматлари бозорида улушлар кесимида тижорат банклари сонининг ўзгариши, *(дона)*

Улуши	31.12.19 й.	31.12.20 й.	31.12.21 й.	31.12.22 й.	31.12.23 й.	2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши
0-5 фоиз улуш оралиқдаги банклар сони	24	24	25	26	31	7
5-10 фоиз улуш оралиқдаги банклар сони	2	3	1	1	1	-1
10-15 фоиз улуш оралиқдаги банклар сони	1	1	2	3	1	0
15 фоиздан улушдан юқори банклар сони	1	2	2	1	2	1
ЖАМИ	**28**	**30**	**30**	**31**	**35**	**7**

Тижорат банкларининг корпоратив кредит хизматлари бозоридаги 2019-2023 йиллар маълумотлари асосида бозордаги улушларни шартли 4 та гуруҳга ажратиб таҳлил амалга оширилди. Банк тизимида банклар сонининг ўсиши ижобий таъсир қилган. Банк тизимида 15 фоиздан юқори улушга эга банклар сони беқарор бўлиб, 2023 йил якунида 2 та банк (Миллий банк ва Ўзсаноатқурилишбанк) ҳиссасига тўғри келган ва ушбу бозорда 40 фоиздан ортиқ улушга эгалик қилган. Корпоратив кредит хизматлари бозорида улуши 10-15 фоиз оралиқдаги банклар сони 3 тагача етган (2022 йилда) ва 2023 йил якунлари бўйича ушбу банкларнинг (Асакабанк улушининг 10,8 фоиздан 9,9 фоизга тушиши натижасида бошқа гуруҳга ўтган ва Саноатқурилишбанк улушининг ортиши ҳисобига 15 фоиздан улушдан юқори банклар таркибига ўтган) сони 1 тани ёки Агробанк сақланиб қолмоқда. Бозордаги улуши 5 фоизгача бўлган оралиқдаги тижорат банклари сони 24 тадан 31 тага ошган.

Банкларнинг кредит хизматлари бозоридаги рақобат даражасини чакана ва корпоратив кредит хизматлари бўйича кўриб чиқилди. Бундан ташқари, банкларнинг алоҳида кредит маҳсулотлари бўйича ва хизматлари бўйича таҳлилларни ўтказиш аниқ хулосалар чиқариш имконини беради. Банк хизматлари бозоридаги етакчи бакнларнинг ҳар бир маҳсулот бўйича устун ва камчиликлари SWOT таҳлил қилиниши, рақобат қайси банк устун эканлиги ва бозорга таклиф этиётган маҳсулотлари билан баҳоланади.

Банк хизматлари бозорида рақобат курашининг кучайиб бориши фаолият юритаётган банкларнинг даромадларини қисқаришига ва фаолият самарадорлиги пасайишига олиб келади. Банк хизматлари бозорида банклар маълум хизмат тури бўйича самарадорлигини баҳолаш рақобатга чидамлилигини ёки унинг бозорда келгусидаги фаолиятига қандай юриши ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

Тижорат банкларининг кредит хизматлари бозоридаги улуши юқори бўлиши билан бирга, кредитлаш ҳами ошиши билан кейинги босқичда муаммоли кредитларга боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, яъни кредит портфелини сифат кўрсаткичларини ошириш, банкнинг бир сўмлик жалб қилинган ресурсни

жойлаштириш қанчалик самарали фойдаланишини таҳлил қилиш мазкур хизмат бўйича рақобатнинг таъсирини ва банк фаолиятини баҳоалш имконини беради.

Тижорат банкларининг кредит хизматлари бозоридаги рақобат даражасини Herfindahl - Hirschman индекси орқали баҳолаймиз. Қуйидаги жадвалда банкларнинг жами кредитлар, чакана ва корпоратив хизматлар бозоридаги рақобат даражасини баҳолаш кўрсаткичлари келтириб ўтилади.

10-жадвал

Тижорат банкларининг кредит хизматлари бозоридаги рақобат даражасини Herfindahl - Hirschman индекси* орқали баҳолаш *(фоиз ҳисобида)*

Индекс номи		31.12.19 й.	31.12.20 й.	31.12.21 й.	31.12.22 й.	31.12.23 й.	2023 йилда 2019 йилга нисбатан ўзгариши
Жами кредит хизматлари бўйича							
Herfindahl - Hirschman	балл да	1 272	1 189	1 118	1 104	1 040	-232
	фоизд а	35,7	34,5	33,4	33,2	32,2	-3,4
Чакана кредит хизматлари бўйича							
Herfindahl - Hirschman	балл да	1078	1281	1220	1145	1214	136
	фоизд а	32,8	35,8	34,9	33,8	34,8	2,0
Корпоратив кредит хизматлари бўйича							
Herfindahl - Hirschman	балл да	1520	1368	1316	1344	1279	-241
	фоизд а	39,0	37,0	36,3	36,7	35,8	-3,2

** Herfindahl - Hirschman индекси тизимдаги барча банкларни бозордаги улушидан келиб чиқиб, қуйидагича баҳоланади:*

1. Концентрация даражаси юқори бозор ва концентрация даражаси (CR) 70 % < CR < 100 % ва (HHI) 1800 < HHI < 10000;

2. Концентрация даражаси ўртача бозор ва концентрация даражаси (CR) 45 % < CR < 75 % ва (HHI) 1000< HHI < 1800;

3. Концентрация даражаси паст бозор ва бунда концентрация даражаси (CR) CR < 45 % ва HHI < 1000.

Ўзбекистон Республикаси банк кредит хизматлари бозоридаги рақобат муҳитида ижобий ўзгаришлар кузатилган. Тижорат банкларининг жами кредит хизматлар бозоридаги рақобат даражаси Herfindahl - Hirschman индекси бўйича 1272 баллдан 1040 баллга пасайиб ижобий ўзгариш юз берган. Лекин, банкларнинг чакана хизматлар бозорида юқори улушга банкларнинг ортиши кузатилгани ҳолда концентрация даражаси ўрта бозор тоифасига тушган. Банкларнинг чакана ва корпоратив банк хизматларига бозорига тегишли кўрсаткичлар алоҳида баҳоланганда Herfindahl - Hirschman индекси юқори чиққан ҳолатни кўрамиз. Ушбу ҳолатнинг сабаби, чакана кредитлар бозорида айрим банклар етакчи бўлса, корпоратив хизматлар бозорида бошқа банкларнинг улуши юқорилиги ҳисобига бозордаги тўпланиш даражаси ва рақобат даражаси таҳлилида турли натижалар аниқланган.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси банк кредит хизматлари бозоридаги рақобат Herfindahl - Hirschman индекси бўйича концентрация даражаси ўртача бозор деган хулосага келиш мумкин.

ХУЛОСА.

Ўзбекистон Республикаси банк кредит хизматлари бозорида банклараро рақобат ривожлантириш ва кредит хизматларининг самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги йўналишда чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- банкларнинг кредит хизматлари бозорида ўз ўрнини сақлаб қолишда узоқ муддатли ресурс манбаларини шакллантириш, мижозларнинг эҳтиёжларини доимий ўрганиб уларга эҳтиёжларига мос кредит хизматларини таклиф этиб бориш;

- тижорат банкларида замонавий кредит технологияларидан фойдаланган ҳолда кредит маҳсулотларини таклиф этиш, хусусан андеррейтинг тизимларини жорий қилиш, модулли кредит маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва мижозларга таклиф этиш;

- банк хизматларини рақамлаштириш орқали масофавий кредитлаш ҳажмини ошириш. Бунда банкларнинг операцион харажатлари қисқариши ҳисобига ва банк хизматларидан 24/7 режимида фойдаланиш имконияти яратилгани ҳисобига хизматлар ҳажмининг ошиши таъминланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармони. https://lex.uz/docs/4811025.

2. Chiara Canta, Øivind A. Nilsen, Simen A. Ulsaker Competition and risk taking in local bank markets: Evidence from the business loans segment / Journal of Empirical Finance / https://doi.org/10.1016/j.jempfin.2023.06.003

3. Fabio Braggion, Steven Ongena Banking Sector Deregulation, Bank–Firm Relationships and Corporate Leverage The Economic Journal, Volume 129, Issue 618, February 2019, Pages 765–789, https://doi.org/10.1111/ecoj.12569

4. Jung-Hyun Ahn The Impact of the Banking Competition in Funding and Lending Markets on Lending Technology / Dans Revue économique 2016/6 (Vol. 67), pages 1117 à 1139.

5. https://www.mfaa.com.au/sites/default/files/users/user133/_Value_of_mortgage_broking_Web_version.pdf?trk=article-ssr-frontend-pulse_little-text-block

6. Huynh J (2023) Is competition good or bad for the price, quantity, and quality of bank lending? PLoS ONE 18(8): e0287002. https://doi.org/10.1371/journal.pone.0287002

7. Mishkin F. Financial consolidation: Dangers and opportunities. J Bank Financ. 1999;23(2):675–91.

8. Абдулазизова Ў.Н. Молиявий хизматлар бозорларида рақобат ва

монополияга қарши тартибга солиш сиёсати / Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, 2022 йил. Б.28.

9. Хайитова М.Р. Банкларнинг трансформациялашувида кредит самарадорлигини ошириш / Science and Innovation / International scientific journal volume 1 issue 5 uif-2022: 8.2 | issn: 2181-3337 / https://doi.org/10.5281/zenodo.7066701
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобот маълумотлари
11. www.cbu.uz
12. www.lex.uz